

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

АТ “Алоқабанк”

Бошқарув раисининг

Уринбосари

Х.Рахматов

2022 йил “ ”



**АТ “Алоқабанк” ходимларининг инглиз тили бўйича малакасини
ошириш хизматини кўрсатиш**

Энг яхши таклифларни танлаш

Буюртмачи: АТ “Алоқабанк”

Тошкент – 2022 й.

2022 й.

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТИ

Умумий қоидалар	Мазкур танлаш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” ги 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли Қонуни ва қонуности ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган; Энг яхши таклифларни танлаш – бундан кейин матнда “танлаш” сўзи ишлатилади.
Энг яхши таклифларни танлаш предмети	2022 йил давомида 100 нафар ходимга жами 520 000 000 (ҳар бир ўқувчи учун ойига 650 000) сўм қийматдан юқори бўлмаслиги керак;
Танлаш иштирокчилари	АТ “Алоқабанк” танлаш буюртмачиси (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй; Ташкилотчи (ташаббускор) нинг мулоқот қилувчи шахс телефон рақами 71-230-77-77 Ишчи органнинг телефон рақами: e-mail: info@aloqabank.uz .
Энг яхши таклифларни Танлаш тили	Танлаш таклифи, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар узбек ёки рус тилида бўлиши керак.
Иштирокчиларни танлаш таклифи	Иштирокчилар танлаш таклифлари амал қилиш муддати танлаш таклифлари тақдим қилиниши тугалланган кундан кам бўлмаслиги лозим.
Электрон танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон:	<ol style="list-style-type: none">1. Танлаш ҳужжатлари - “Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржаси” оператори веб-сайти http://etender.uzex.uz. орқали электрон қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.2. Танлаш қийматининг юқори нархи ҳар бир ўқувчи учун ойига 650 000 сўм (олти юз эллик минг) сўм.3. Танлаш таклифлари электрон порталга жойлаштирилган кундан бошлаб 5 кун муддатда қабул қилинади.4. Танлашда мулкчилик шаклидан қатъий назар, конкурс ҳужжатларида кўрсатилган талабларни бажарган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

5. Иштирокчилар алоқада бўлиш учун Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департменти билан 71-230-77-77 (ички 2225, 2230) телефон орқали боғланиши мумкин.

Иштирокчилардан талаб этилади

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари миллий классификатори бўйича юридик шахс сифатида ташкил этилган (ОҚЭД) – 85600 бўлиши лозим;
2. Машғулотлар камида бир ҳафтада икки маротаба бўлиши ва бир машғулот давомийлиги 1,5 соат (бир соат ўттиз дақиқа)дан кам бўлмаслиги лозим;
3. Бир гуруҳда биргалиқда таълим олувчилар сони 15 (ўн беш) нафардан ошмаслиги лозим;
4. Банк соҳасидаги ташкилотлар учун корпоратив инглиз тилини ўргатиш тажрибасига эга бўлиши ва бу тўғрисидаги Ўзбекистон банклари Ассоциацияси томонидан берилган тавсиянома ёки миннатдорлик хатларини бириктириши лозим;
5. Географик жиҳатдан Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиши лозим;
6. Барча ўқув материаллари ва қўлланмаларни бепул тақдим этиши лозим;
7. Банкнинг Корпоратив академия департменти билан келишилган ҳолда ходимлар учун намунавий дарс (demo-lesson) ўтиши ва унинг натижаси бўйича далолатнома расмийлаштириши лозим;
8. Машғулотни олиб борувчи ўқитувчи магистр даражасидан паст бўлмаган, шунингдек, IELTS 8.0 ёки ундан юқори натижага эришган бўлиши лозим;
9. Ташкилот таъсисчиларининг суд ёки МИБ томонидан мажбурий ундирув жараёнида эмаслиги тўғрисида маълумотномани тақдим этиши лозим.

Танлаш таклифининг техник ва нарх қисми бўйича баҳолаш.

Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида балларнинг бошланғич қийматлари белгиланиши мумкин ва улардан ўтмаган иштирокчи электрон танлашдан четлатилади. Танлаш таклифининг техник қисми учун миқдорий кўрсаткичлардан (малакали мутахассислар сони, етказиб бериш муддати, иш тажрибаси ва бошқалар) ёки эксперт

баҳосидан келиб чиқкан ҳолда баҳолаш мезонлари белгиланади;
Балл усулидан фойдаланганда танлаш таклифининг техник қисмининг ҳар бир баҳолаш мезони бўйича нисбий қиймати белгиланиши мумкин. Энг паст нарх усулидан фойдаланганда иштирокчининг танлаш таклифи танлаш ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келиши ёки мос келмаслигини аниқловчи мезонлар белгиланиши мумкин;
Танлаш ҳужжатларида белгиланган мезонлар ўта муҳим қийматга эга бўлиши мумкин. Бунда танлаш таклифининг белгиланган мезонларга мос келмаслиги иштирокчини электрон танлашнинг ҳар қандай босқичида четлатилишига олиб келади;
Шартнома суммаси (нархи) танлаш таклифи нарх қисмининг ягона мезони ҳисобланади.

Танлаш ҳужжатларига уларнинг ажралмас қисми бўлган шартнома лойиҳаси илова қилинади.

Харид комиссияси танлаш ҳужжатларини Қонун талабларига мувофиқлигини кўриб чиқади ва қуидагиларни белгилайди:

Танлаш таклифлари қабул қилинадиган муддатлар;
Танлаш таклифларини баҳолаш усуллари ва мезонлари;
Танлаш таклифлари қисмларининг ва зарур ҳолларда техник қисмининг ҳар бир баҳолаш мезонларининг нисбий қиймати;
Танлаш таклифини таъминлаш ҳажми ва шакли;
Электрон танлашни ўтказиш ҳақида қарор танлаш ҳужжатлари харид комиссияси томонидан электрон овоз бериш орқали келишилади, танлаш ҳужжатлари электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди;
Тасдиқланган танлаш ҳужжатлари, шартнома лойиҳаси, шунингдек электрон танлаш ўтказиш ҳақидаги эълон электрон танлаш иштирокчиларининг таклифларини қабул қилиш муддати тугашидан камида 5 кун аввал буюртмачи томонидан порталга жойлаштирилади;
Электрон танлаш ўтказиш ҳақидаги эълон қўшимча равишда буюртмачининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

Танлаш таклифини бериш

Электрон танлаш ўтказилганда иштирокчилар танлаш таклифларини электрон конверт кўринишида ўзларининг шахсий кабинетлари орқали электрон танлашни ўтказиш

түғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар;

Иштирокчининг танлаш таклифининг ажralmas қисми бўлган электрон ҳужжатлар оператор томонидан белгиланган форматларда тақдим этилади. Ҳар бир жойлаштирилган электрон ҳужжат иштирокчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади;

Танлаш таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин;

Бунда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари электрон тизимдаги шаблонларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак;

Электрон танлаш иштирокчиси битта лотга фақат битта танлаш таклиф беради.

Электрон танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Электрон танлашда қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлган иштирокчилар қатнаша олади:

Шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий ресурсларнинг мавжудлиги;

Шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик; Солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Электрон танлаш натижаларини сарҳисоб қилиш

Электрон танлашда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда танлаш ўтказилмаган деб топилади. Бундай ҳолатда буюртмачи танлашни айни ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айни ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ тақроран амалга ошириши шарт.

Электрон танлаш харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда электрон тизим автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлаш таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради;

Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда электрон тизимдаги электрон майдонлар тўлдирилиши керак; Агар танлаш таклифи Қонуннинг ва танлаш ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлаш таклифи тегишли тарзда расмийлаштирилганлиги ёки расмийлаштирилмаганлиги бўйича харид комиссияси масъул котибининг қарори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим; Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссиясининг масъул котиби электрон танлаш иштирокчиларидан уларнинг танлаш таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади; Танлаш таклифи танлаш ҳужжатлари билан белгиланган муддат мобайнида кучда қолади; Танлаш таклифининг техник қисмини миқдорий кўрсаткичларга асосан баҳолаш, шунингдек таклифнинг нарх қисмини баҳолаш электрон тизим томонидан автоматик равишда амалга оширилади; Миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари (эксперт мезонлари) бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади; Танлаш ҳужжатлари шаблонларини тўлдиришда миқдорий (ўлчов бирлигини белгилаган ҳолда) ва эксперт мезонларни харид комиссияси тасдиқлайди.

Танлаш ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб электрон тизим автоматик равишда:

Танлаш таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда); Танлаш таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон танлашда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди; Икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса (балл усулидан

фойдаланганда) ёки бир хил нарх таклиф қилган бўлса (энг паст нарх усулидан фойдаланганда), танлаш таклифини барчадан олдин жойлаштирган иштирокчи ғолиб деб топилади;

Захира ижроисини аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади;

Танлаш таклифларини кўриб чиқиш натижаларига кўра харид комиссиясининг масъул котиби электрон тизимда харид комиссияси йиғилишининг электрон баённомасини тузади ҳамда тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига юборади;

Харид комиссияси аъзолари электрон баённомани электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди;

Харид комиссиясининг қарорлари унинг аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади;

Танлаш таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари электрон баённомада қайд этилади ва электрон танлаш ўтказиш бўйича харид комиссияси аъзолари томонидан электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда имзоланади.

Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик равишда эълон қилинади.

Бунда, баённомада қуидаги ахборот бўлиши керак:

Танлаш таклифлари кўриб чиқиладиган ҳамда баҳоланадиган сана ва вақт;

харид комиссияси аъзоларининг ва электрон танлаш иштирокчилари ваколатли вакилларининг таркиби;

танлаш таклифлари кўриб чиқилган электрон танлаш иштирокчилари;

танлаш таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган электрон танлаш иштирокчилари; электрон танлаш ғолиби тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида маълумот;

электрон танлаш ғолибининг номи (юридик шахслар учун), Ф.И.О. (жисмоний шахслар учун), турган жойи (почта манзили);

Электрон танлаш ўтказиш натижаларига кўра шартнома мазкур белгиланган тартибга мувофиқ тартибда электрон шаклда тузилади, томонларнинг электрон рақамли имзолари билан тасдиқланади ҳамда шартномалар реестрига киритилади.

Таклифларни баҳолаш
Иштирокчилар ва таклифларни малака баҳолаш тартиби ва мезонлари

№	Малака ҳужжатларини баҳолаш мезонлари	Мезоннинг салмоғи (балда)	Мезоннинг салмоғи (фоизда)
	Мезон бўйича баҳолаш тартиби:	70 балл	100%
1.	Банк соҳасидаги ташкилотлар учун корпоратив инглиз тилини ўргатиш тажрибасига эга бўлиши ва бу тўғрисидаги Ўзбекистон банклари Ассоциацияси томонидан берилган тавсиянома ёки миннатдорлик хатларини биритириши лозим	20 балл	30 %
	Тасдиқловчи ҳужжатлар:		
2.	Ўқитувчига қўйиладиган талаблар: магистр даражасидан паст бўлмаган, шунингдек, IELTS 8.0 ёки ундан юқори бўлиши лозим.	20 балл	30 %
	Тасдиқловчи ҳужжатлар:		
3.	Барча ўқув материаллари ва қўлланмаларни бепул тақдим этиши лозим	10 балл	10 %
	Тасдиқловчи ҳужжатлар:		
4.	Банкнинг Корпоратив академия департаменти билан келишилган ҳолда ходимлар учун намунавий дарс (demo-lesson) ўтиши ва унинг натижаси бўйича далолатнома расмийлаштириши лозим	10 балл	15 %
	Тасдиқловчи ҳужжатлар:		
5.	Ташкилот таъсисчиларининг суд ёки МИБ томонидан мажбурий ундирув жараёнида эмаслиги тўғрисида маълумотномани тақдим этиши лозим	10 балл	10 %
	Тасдиқловчи ҳужжатлар:		

НАРХ ҚИСМИ

1. Бошланғич нархи 1 йил давомида ҳар бир ўқувчи учун ойига 650 000 сўм (олти юз эллик минг сўм) қийматдан юқори бўлмаслиги керак.
2. Молиялаштириш манбаси - Акциядорлик тижорат “Алоқабанк”.
3. Буюртмачининг манзили: 100047, Тошкент ш., Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-үй.
4. Тўлаб бериш валютаси - сўм